

ТЎЛОВ ЖАДВАЛИ

Шофиркон туман хокимлиги билан “Сайид Мухаммадамин сервис” МЧЖ ўртасидаги 339381059 умумий суммасидаги 2022 йил. "15" апрелдаги № 2- шартномага

2022 йил ойлар номи	(сўмда)			Жами
	Харажатлар тури			
	42-32-200			
Январ				
Феврал				
Март				
Апрел	339381059			339381059
Май				
Июн				
Июл				
Август				
Сентябр				
Октябр				
Ноябр				
Декабр				
Жами йил бўйича	339381059			339381059

Жами; 339381059 (Уч юз ўттиз тўққиз миллион уч юз саксон бир минг эллик тўққиз) сўм

Юқоридаги кўрсатилган суммадан **101814317.7** сўм ёки шартнома умумий суммасининг 30% олдиндан 2022 йил апрел ойида туланиши лозим.



Рахбар

(имзо)

Н.Раҳмонов

Бош ҳисобчи

(имзо)

Б.Жалилов

Газначилик бўлинмаси

ходими қабул қилди

2022 й. «___»

(имзо)

Бюджетдан маблағ олувчи

ходими қабул қилди

2022 й. «___»

(имзо)

П У Д Р А Т Ш А Р Т Н О М А С И № 2

«15» апрел 2022 й.

Шофиркон ш.

“Сайид Мухаммадамин сервис” МЧЖ (кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) номидан ўзининг устави асосида иш юритувчи Б.Нарзиев тимсолида, бир томондан ва Шофиркон тумани хокимлиги (корхона, ташкилот, муассаса номи), (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан ўзининг устави асосида иш юритувчи Н.Раҳмонов тимсолида, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.21. Ушбу шартнома буйича “Пудратчи” «Буюртмачи»нинг буюртмасига асосан Шофиркон туман хокимлиги биносини жорий таъмирлаш ишларини бажаришни, «Буюртмачи» эса бажарилган ишларни қабул қилиб олишни ҳамда тўловни амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.

1.22. Ушбу шартноманинг умумий суммаси ҚҚС билан 339381059 сўмни ташкил этади.

2. ШАРТНОМА БУЙИЧА КЕЛИШУВ НАРХЛАР

2.1. «Буюртмачи» томонидан тақдим қилинган ҳужжатларга асосан таъмирлаш ишларининг қиймати 339381059 (Уч юз ўттиз тўққиз миллион уч юз саксон бир минг эллик тўққиз) сўм ҚҚС билан ташкил қилади.

2.2. Таъмирлаш ишларининг бошланиши «15» апрел 2022 йил.

2.3. Таъмирлаш ишларининг тугаш вақти «31» декабр 2022 йил.

3. ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ БОШЛАШ , БАЖАРИШ ВА ТУГАТИШ БУЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ МУДДАТЛАР

3.1. Таъмирлаш ишларини бажариш муддати мазкур шартноманинг 2.3. бандида кўрсатилган муддатгача амалга оширилади.

3.2. «Буюртмачи» томонидан таъмирлаш ишларини бажариш даврида «Пудратчи»га ўзи томонидан харид қилинган таъмирлаш материалларини тақдим қилиши мумкин.

3.3. Таъмирлашни тўхтаб қолганлиги учун сабабчи бўлган томон бунинг оқибатида келиб чиқадиган хар қандай камомад ёки жавобгарликни ўз зиммасига олади.

3.4. Таъмирлашни тугаллаб фойдаланишга топшириш учун тузилган комиссия далолатномаси тасдиқлангандан сунг таъмирлаш ишлари тамом бўлган деб ҳисобланади.

4. ТЎЛОВ ШАРТИ ВА ТАРТИБИ

4.1 Ушбу шартноманинг умумий нархи ҚҚС билан 339381059 (Уч юз ўттиз тўққиз миллион уч юз саксон бир минг эллик тўққиз) сўмни ташкил этади. «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини бошлаш учун «Пудратчи»га шартнома нархининг 30 % ёки 101814317.7 (Бир юз бир миллион Саккиз юз ўн тўрт минг уч юз ўн етти сўм етмиш тийин) сўм миқдорда олдиндан тўлайди ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг апрел ойида амалга оширилади. «Буюртмачи» томонидан якуний тўлов «Пудратчи» ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим қилгандан сўнг амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори 237566741.3 (Икки юз ўттиз етти миллион беш юз олти минг олти минг етти юз қирқ бир сўм ўттиз тийин) сум яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов 2022 йил 31 декабргача амалга оширилади.

4.2. «Буюртмачи» тўловни пул ўтказиш йули билан амалга оширади.

4.3. «Пудрат» ташкилоти томонидан шартномада кўрсатилган суммадан ошикча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўловлар амалга оширилмайди.

5. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Шартнома баҳоси ҚҚС билан 339381059 сўм бўлган Шофиркон туман ҳокимлиги биноси 3-каватини жорий таъмирлаш ишлари юқорида келишилган муддатда тугатиш ва фойдаланишга топшириш.

5.2. Махсус таъмирлаш ишларини бажариш учун махсус ёлланма пудратчи ташкилотларни жалб қилади.

5.3. Ҳар ҳафтанинг душанба кунида жорий ҳафтада бажарилган таъмирлаш монтаж ишлари тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни «Буюртмачи»га тақдим қилиши шарт. Агар таъмирлаш мазкур шартномада кўрсатилган муддатда пудратчининг айби билан фойдаланишга топширилмаса, у ҳолда буюртмачига қуйидаги тартибда жарима тўлайди:

- таъмирлаш муддати 10 кунга кечиктирилса, шартнома баҳосидан 0,5 % миқдорида;

- кейинги 20 кун учун шартнома баҳосидан 5 % миқдорида;

- ундан кейинги муддатлар учун 20 % миқдорида;

Жарима санкцияси буюртмачи томонидан билдирилган ёзма равишдаги даъводан кейин 10 кун муддат мобайнида тўланиши шарт.

5.4. Пудратчи шартномада назарда тутилган маблағ доирасида ишларни бажаради ва шунга мувофиқ бажарилган ишлар тугрисида 2-сонли далолатномани тузади.

6. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Шартномада курсатилган 4.1. ва 4.2. бандлари бузилса, «Буюртмачи» махсус ҳисоб-рақамидан ҳар бир кечиктирилган кун учун шартноманинг туланмаган нарҳини 0,04% миқдорида «Пудратчига» жарима тўлайди.

6.2. «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини ўз вақтида белгиланган стандартларга ва амалдаги қонунчиликка асосан қабул қилиб олади.

6.3. «Буюртмачи» тасдиқланган сметасига мувофиқ бюджетда назарда тутилган маблағ доирасида шартнома тузади ва шартнома суммасига мувофиқ 2-сонли далолатномани «Пудратчи» билан биргаликда тузади

7. ТОМОНЛАР ЎРТАСИДА ШАРТНОМАВИЙ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

7.1. Ушбу шартнома асосида келиб чиқадиган ҳар қандай низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликлари талабларига асосан Иқтисодий судларида ҳал этилади.

8. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

8.1. Мазкур шартнома 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси «Бюджет кодекси»нинг 122-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ғазначиликда рўйхатга олиниши шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган.

8.2 Мазкур шартнома 2022 йил «31»Декабргача амалда бўлади

8.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса томонларнинг юридик манзили жойлашган Иқтисодий судида ҳал қилинади.

9. БОШКА ШАРТЛАР

9.4. Мазкур Шартномага киритилмаган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«ПУДРАТЧИ»

“Сайид Мухаммадамин сервис” МЧЖ
(Товар етказиб берувчи ёки хизмат
кўрсатувчининг номи)

Манзил: Шофиркон туман А.Навоий МФЙ

Тел./факс 98-000-58-21

х/в 20208000600618304001
Банк номи “Қишлоқ қурилиш банк”

Тошкент ш.

МФО 01037

ОКОНХ 61110
СТИР 303880447

Рахбар



Б.Нарзиёв
(Ф.И.Ш)

М.Ў.

«БУЮРТМАЧИ»

Шофиркон туман хокимлиги
(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг номи)

Манзил: Шофиркон шаҳар Мустақиллик кўча 4-уй

Тел./факс 502-32-05

ш/х* 100022860062587011204018001
бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 201113350

ОКОНХ 97600

Ғазначилик бўлинмаси номи: Шофиркон
туман Ғазначилик бўлинмаси
Ғазна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Тошкент Марказий банкнинг
ХККМ

МФО: 00014

Ғазначилик бўлинмаси СТИРи: 201122919

Рахбар

Н.Раҳмонов
(Ф.И.Ш)



Ҳуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш):

Handwritten signature

Ш.Очилов